

Тут Уруғларини Экиш Муддатларини Нихол Сифатига Таъсири

Тўйчиев Жалолиддин¹, Алимқулов Музаффар²

Аннотация: Баъзи ўсимликлар каби тут ўсимлиги ҳам вегетатив ҳамда генератив йўллар билан кўпайтирилади. Тут ўсимлигини генератив органлар маҳсули бўлган уруғидан кўпайтириш энг қадимий усуллардан бири бўлиши билан иқтисодий жihatдан арзон бўлиб, кўп меҳнат ва маблағ талаб этмайди. Бундан ташқари кўп миқдордаги ниҳолларни етиштириб олиш имкониятини яратади. Тут уруғининг униб чиқиши, кўқарувчанлиги аввало уруғ тайёрлаш жароёнида олиб борилган ишларни ўз вақтида сифатли ташкил этилиши ва уни сақлаш шароити ҳамда муддатларига боғлиқдир.

Калит сўзлар: Тут ўсимлиги, тут уруғи, намлик, иссиқлик, озук моддалар, ҳарорат, катлам, тупроқ, уруғ пўсти.

Ҳар қандай ўсимликнинг уруғлари каби, тут уруғи ҳам экилгандан сўнг тупроқдаги намлик ва иссиқлик таъсирида униб чиқади. Тупроқ таркибидаги намлик секин аста уруғ пўсти орқали ўтиб уруғдаги запас озик моддаларни эрита бошлайди. Натижада уруғ таркибидаги запас озук моддалар секин аста муртак ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтади. Унинг натижасида муртак ва муртак илдиз ўса бошлайди. Муртак ва муртак илдиз ўсиб ривожланиши учун тупроқ ҳароратининг таъсири юқори бўлиб, тупроқдаги ўртача ҳарорат 8-10°C бўлганда уруғлар униб чиқиши бошланади. Уруғнинг униб чиқиши учун фойдали ҳароратлар йиғиндиси 170°C га тенг.

Р. Абдуллаев Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалиги шароитида 1969 йили тут уруғини сентябр, ноябрда ва 1970 йили феврал ойларида экиб, пушта ўстига 1-2 см қалинликда чириган гўнг секиб қўйган. Ноябрьда экилган тут уруғлари келгуси йили яхши ўсиб ривожланиб, 1 гектар майдон ҳисобига 1 миллион 93 минг ниҳолча олишга эришган. Сентябрь ва феврал ойларида сепилган тут уруғлардан униб чиққан ниҳоллар сони эса 1 гектар майдон ҳисобига 522-604 минг донани ташкил этган ёки назорат вариантыга нисбатан тажриба вариантыда етиштирилган ниҳоллар сони 27-31,3 фоизгача ортганлигини тажрибада аниқланган.

Р.Ю.Зверованинг Тошкент вилояти шароитида олиб борган тажрибалари натижаларига кўра тупроқнинг 0.5 см чуқурликдаги ҳарорат 10-11°C бўлганда экилган тут уруғлари 15-17 кунда, тупроқ ҳарорати 15-17°C бўлганда экилган тут уруғлари эса 10-14 кунда, тупроқ ҳарорати 18-22°C бўлганда экилган тут уруғлари эса 5-8 кунда униб чиқиши кайд этилган. Шунингдек тупроқ ҳарорати 18-22°C ва намлиги 19-22 фоиз бўлганда экилган тут уруғлари 5-8 кунда қийғос униб чиққанлиги ва жадал ўсиб стандарт ниҳоллар миқдори назорат вариантыга нисбатан кўп бўлишлиги кайд этилган.

У. Абдуллаев маълумотларида тут уруғини 2-3 сутка давомида ивителиб, 28-30°C иссиқликка жойлаштирилса 4-5 кунда униб чиқишлиги, 35-40°C иссиқликда эса икки кунда униб чиқишлиги айтиб ўтилган.

Р. Зверова (1978) маълумотларига қараганда тут уруғининг униши учун уруғ экилган қатламдаги тупроқ ҳарорати ўртача 18-22°C ёки фойдали ҳароратлар йиғиндиси 170-190°C атофида бўлиши керак.

Бизнинг “Тут уруғини экиш муддатларини униб чиқишга таъсири” мавзусида битирув малакавий иши тажрибаларини ўрганишимиздан мақсад Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти қошидаги Ахборот ресурс маркази ДУК шароитида тут уруғини муддатларини экиш муддати билан боғланган ҳолда тажрибалар олиб бориб сифатли тут ниҳоллар етиштиришга қаратилган бўлиб у қуйидаги сўровлардан келиб чиқади.

1. Ўрта иқлим зоналарида тут уруғни сақлаш ва экиш муддатларини аниқлаш.
2. Экиш муддатларини уруғнинг униб чиқишига таъсирини ўрганиш.
3. Экиш муддатларини ниҳолларнинг ўсиш ва ривожланишига таъсирини ўрганиш.
4. Иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

¹ Қ.х.ф.н., доцент-Илмий раҳбар, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

² Магистр, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

1-жадвал. Тут уруғларини экиш муддатларини униб чиқишга таъсири.

Вариантлар	Экиш муддати	Тажриба вариантларда тут уруғининг униб чиқиши давомати		Тут уруғи экилгандаги тупроқ харорати, °С.
		Бошланиши	Тамом бўлиши	
1 Вариант	05.04.2014	24.04	02.05	5-6°С
2 Вариант тажриба	10.04.2014	24.04	02.05	9
3 Вариант назорат	16.04.2014	26.04	01.05	15-16
4 Вариант тажриба	20.04.2014	27.04	01.05	20

Тажриба вариантларига экилган тут уруғларининг униб чиқиш давомати ўрганилганда 1 ва 2- вариантларда 8 кун, 3-тажриба вариантыда эса 5 кун, 4- вариантда эса 4 кун давом этган ва униб чиқиш учун кетган вақтни 37.5 фоизга, 4- вариантда эса 50 фоизгача қисқаргани гувоҳи бўлди. Уруғларни униб чиқиш Ю. Зверова 1978 йилда ўтказган тажрибада кузатган натижалар яни тут уруғини униб учун уруғ экилган катламдаги тупроқнинг ўртача харорати 18-20°С бўлса ва фойдали хароратлар йиғиндиси 170°Сдан кам бўлмаслиги керак эканлигини исботланди. Демак тут уруғ экилган катламдаги тупроқ харорати 20-22°Сда бўлса униб чиқиш давомийлиги қисқа бўлар экан.

Ўтказилган фенологик кузатишларда 5- апрелда тут уруғ экилган 1- вариантдаги ниҳолларнинг ўртача узунлиги 60 см, 2- тажриба вариантыдаги ниҳолларнинг ўртача узунлиги 63 см.ни ташкил этган, 3- тажриба вариантыдаги ниҳолларнинг ўртача узунлиги эса 72 смга тенг бўлиб, 5- апрелда ёки 10-апрелда экилган вариантыдаги ниҳолларга қараганда узунлиги 9-12 смгача ортганлиги аниқланди. 4-тажриба вариантыга 20- апрелда экилган тут уруғларидан униб чиққан ниҳолларнинг узунлиги ўртача 77 смни ташкил этиб, 5- апрелда ёки 10-апрелда экилган вариантыдаги ниҳолларга қараганда узунлиги 14-17 смгача узунроқ бўлиб етишгани гувоҳи бўлди. Тут уруғини экиш муддатларининг ниҳолчаларни ривожланишига таъсир этиши, шунга боғлиқ ҳолда ниҳолларнинг узунлиги ўртасида фарқ бўлиши аниқланди.

2-жадвал. Уруғ экиш муддатларининг ниҳоллар узунлигига таъсири.

Вариантлар	Ниҳолнинг ўртача узунлиги, см.			
	15.05	15.06	15.07	15.08
V ₁	7	25	43	58
V ₂	7	27	46	60
V ₃	9	34	54	68
V ₄	10	36	57	73

Тут уруғининг экиш муддатларининг етиштирилган ниҳол сифатига таъсирини аниқлашда ниҳоллар қавлаб олингандан сўнг, уларнинг узунлиги, илдиз бўғзининг диаметри ва илдизнинг узунлигига қараб ГОСТ 14355-69 асосида навларга ажратилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдуллаев. Тутчилик Тошкент “Меҳнат” 1991 йил
2. Акимов Н.И. Ильич В.Т. Қишлоқ хўжалик объектларида граждан мудофаси “Меҳнат” 1988 йил
3. Балашев Н.И. Зиман Г.О Сабзавотчилик Тошкент ва ўрта мактаб 1962 йил
4. Дидиченко А.С. Гибридное семеноводства шелковицы Ташкент “Фан” 1972 года
5. Дидиченко А.С. и другие Пути расширения и уличения кормовой базы шелководства Ташкент. Узбекистон 1967 йил
6. Доспехов Б.А. Методика палевого опита москва колос 1985 года
7. Зверова Р.Ю. Влияние метеорологическх факторов на рост и развитие шелковыцы Тошкентском оазисе Авто, реф, кан, дис, Таш СХИ
8. Комиссорова А.С. 11.1975 Кртофель и овощи Лебедежкая N₂O, P₂O, K₂O кг/га 1978 10 кукўруза 28 стр
9. Маҳсудова Пиллачилик экономикаси “Ўқитувчи” 1982 йил
10. Мусаев Тажриба ишлари услубияти Тошкент “Университет” 1995 йил
11. Рахимбердиев К
12. Абдуллаев У Тутчилик тошкент Ўрта ва олий мактаб давлат наширети 1962 йил.